

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 339.138:33М (575.1)

Нуруллаев Жалолиддин Муратович

**Мева – сабзаёт маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда
маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш**

5A230401- "Маркетинг (товарлар ва хизматлар)" мутахассислиги

Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯСИ

ИЛМИЙ РАҲБАР:

и.ф.н., доц. Абдухалилова Л.Т.



ТОШКЕНТ – 2018

Диссертация ишида мева – сабзаёт экспортини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш самарадорлигини назарий ва услубий асослари ўрганилган. “Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК компаниясининг маркетинг фаолияти ҳолати, мева – сабзаёт етиштирувчи ва компанияга тегишли қайта ишлаб чиқарувчи ҳамда экспорт килувчи корхоналар фаолиятида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш натижасида самарадорликка эришиш йўллари ўрганилган ва таҳлил килинган. Диссертация ишида ахборот тўплаш услубларидан кенг фойдаланиш, улар натижасида корхоналарда маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва бўлғуси истеъмолчиларга эҳтиёжларини тўлароқ кондириш борасида сифатли маҳсулотар етказиш борасида тавсиялар ишлаб чиқилган.

The purpose of this dissertation is to study the role and effect of the marketing research in the field of exporting fruits and vegetables. Marketing operation of the HC "Uzbekoziqovqatholding" and the ways of achieving productivity are studied by conducting marketing research in the sub - companies of the holding such as fruits and vegetables processing, exporting and other sub-companies of the holding. Different ways of collecting information are used in the literature review, and by reviewing the literature, it is recommended to develop a marketing strategy in the companies. Moreover, recommendations are given to companies on delivering the products on time while fulfilling the needs of the customers.

Диссертация иши "Маркетинг" кафедрасидан дастлабки ҳимоядан 2018 йил "16" май 2 - сонли баённома билан ўтган.

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Абдухалилова Л.Т.

Магистр: Нуруллаев Ж.М.


ИМЗО

10.05.2018
ой, кун


ИМЗО

08.05.2018
ой, кун

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1-боб. Мева-сабзаёт маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг назарий асослари	12
1.1. Корхоналарда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг назарий асослари	12
1.2. Ўзбекистонда мева – сабзаётчилик ва узумчилик маҳсулотлари экспортини ривожлантириш йўналишлари	21
1.3. Мева – сабзаёт маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг услубий асослари.....	31
Биринчи боб бўйича хулоса	38
2-боб. “Ўзбекиқовқатхолдинг» холдинг компанияси акциядорлик жамиятида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш жараёни таҳлили	41
2.1. “Ўзбекиқовқатхолдинг» холдинг компаниясига иқтисодий тавсиф ва маркетинг муҳитини ўрганиш	41
2.2. “Ўзбекиқовқатхолдинг» холдинг компаниясининг маркетинг фаолияти таҳлили	49
2.3. “Ўзбекиқовқатхолдинг» холдинг компанияси экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш таҳлили	62
Иккинчи боб бўйича хулоса	72
3-боб. Мева – сабзаёт маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари тадқиқотлари услубларидан фойдаланишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш	75
3.1. Мева – сабзаёт маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда бозор сегментини танлашни асослашда маркетинг тадқиқотлари услубларидан фойдаланишни такомиллаштириш	75
3.2. “Ўзбекиқовқатхолдинг» холдинг компаниясига тегишли корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш самарадорлиги	85
Учинчи боб бўйича хулоса	96
Хулоса	99
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	104

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги ва асосланиши. Бугунги кунда озиқ- овқат маҳсулотлари, жумладан мева – сабзаёт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларнинг ўсишидан ортда қолмоқда. Бу тафовут, аввало, озиқ- овқат маҳсулотларини жадал ишлаб чиқариш учун тегишли шароитлар мавжуд бўлмаган мамлакат ва ҳудудларда чуқурлашиб бормоқда.

Ўзбекистонда мева – сабзаётчилик ва узумчилик маҳсулотларини етиштириш, йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу турдаги маҳсулотлар экспортини кўпайтириш фан – техника тараққиётини илғор ютуқларини жорий этиш билан бир қаторда амалга оширилмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида маҳсулот етиштириш ҳажми ва турларини кўпайтириш шунингдек, қишлоқ аҳолисини даромадлари ва турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш мақсадида бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва бир қатор қарор, фармонлар қабул қилинди.

Мева – сабзаёт маҳсулотларини етиштириш, агротехник тадбирларини ўз муддатида сифатли қилиб ўтказиш бўйича белгиланган ҳудудий чора – тадбирлар Дастурларини бажарилиши натижасида бир қатор ижобий натижаларга эришилмоқда.

Республика ҳудудларида мева – сабзаёт, полиз, картошка ва узум маҳсулотларини кўпайтириш, агротехник тадбирларидан юқори сифатли, экспортбоп маҳсулот етиштириш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда.